

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ
Юридик бошқармаси
Методологія бўлимида
2016 йил “29” aprel да
184 - сон билан
“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ
Акциядорлари умумий йиғилишининг
2016 йил “29” апрелдаги
34 -сонли қарори билан



ТАСДИҚЛАНГАН”

Умумий йиғилиш Раиси
Р. Гуломов

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида ички назорат тўғрисида
НИЗОМ

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами: 943, 2000 йил 5 июль), Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш Ҳукумат комиссиясининг 2016 йил 11 февралдаги 02-02/1-187-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Ушбу ички меъёрий ҳужжат “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ (кейинги ўринларда Банк деб юритилади) тизимида самарали ички назоратни амалга ошириш тартиби ҳамда ички назорат учун масъул шахслар ва таркибий бўлинмаларнинг жавобгарлигини белгилайди.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом мақсадларида қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ички назорат – Банкда рискларни бошқариш жараёни самарадорлигини ошириш, назорат қилиш ва корпоратив бошқарувни янада оптималлаштириш ҳамда қўйилган мақсадларга эришишни таъминлашга қаратилган доимий фаолият жараёни бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

иш юритиш фаолиятининг самарадорлиги ва унумдорлиги, шунингдек активлар бутлигини сақлаган ҳолда фойда олишни таъминлаш;

молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги ва аниқлиги;
банк фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатлари, банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

ички назорат тизими – бошқариш сиёсати ва тартиботи, мажбуриятлар ва ваколатларнинг тақсимланиши, текширишлар тартиби ва қундалик операциялар устидан назоратни олиб боришда Банк Кенгаши, Банк Бошқаруви ва бошқа барча даражадаги банк ходимлари томонидан ташкил этиладиган ҳамда амалга ошириладиган фаолиятлар мажмуи;

ички назорат тартиби – Банкнинг молия-хўжалик фаолиятида қонун бузилишлари ҳолатларини аниқлашга қаратилган ҳамда кўзланган мақсадга эришиш учун жамиятнинг иқтисодий фаолияти самарадорлигини баҳолаш борасидаги ички назоратни амалга оширишда Банк Кенгаши, Кузатув Кенгашининг аудит бўйича қўмитаси, тафтиш комиссияси, Банк Бошқаруви, шунингдек ички назоратни амалга ошириш ваколатига эга бўлинмаларнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракатлари ва чора-тадбирлари мажмуи.

2. Банкда самарали ички назорат тизимини жорий қилишнинг асосий мақсади барча акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашдан иборат.

3. Ички назорат қуйидагиларни таъминлашга хизмат қилади:

Банк ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, активлар бутлигини сақлаш;

Банк фаолиятида амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларига риоя этиш;

Банкнинг бизнес-режасида белгиланган кўрсаткичларга эришиш;

Банк Бошқаруви ҳақидаги ахборот, молиявий ҳисобот ҳамда бухгалтерия ёзувларининг ишончлилиги ва тўлиқлиги;

Банк фаолиятида рискларнинг юзага келиши жараёнида идентификациялаш ва таҳлил қилиш;

Банк фаолиятида рискларни бошқариш ва режалаштириш, шунингдек уларни бошқариш бўйича ўз вақтида тегишли қарорлар қабул қилиш;

мижозлар ва ҳамкорлар ўртасида Банкнинг обрўсини сақлаш ва уни янада яхшилаш.

II. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ

4. Банкнинг ички назорат тизими қуйидаги тамойилларга асосланади:

узлуксиз иш жараёни – ички назорат тизимининг доимий ва лозим даражада ишлаши, Банкда амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган нормаларга зид ҳолатларни ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг келажақда вужудга келишидан огоҳ бўлиш имконини беради;

ички назорат тизими барча иштирокчиларининг ҳисобдорлиги – ҳар бир шахсга юклатилган назорат функциясининг бажарилиши сифати ички назорат тизимининг бошқа бир иштирокчиси томонидан назорат қилиб борилади;

мажбуриятларнинг тақсимланиши – Банк назорат функцияларининг такрорланишига йўл қўймасликка интилади, бунда маълум бир актив операцияларнинг тасдиқланиши, уларнинг сақланиши ва инвентаризациядан ўтказилиши битта ходим томонидан амалга оширилмаслиги керак;

лозим даражада маъқуллаш ва операцияларни тасдиқлаш – Банк барча молия-хўжалик операцияларини тегишли шахслар томонидан уларга берилган ваколат доирасида тасдиқлаш тартибини ўрнатади;

Банкда фаолият олиб боровчи барча ички назорат тизими субъектларининг лозим даражада назорат функцияларини амалга оширилиши учун масъуллиги;

Банкнинг барча таркибий бўлинмалари ўзаро ҳамкорликда ички назоратни амалга ошириши;

доимий ривожлантириш ва такомиллаштириш – ички назорат тизимининг мослашувчанлигини ошириш ҳамда мавжуд тизимнинг янги муаммо ва камчиликларини тезкор тартибда ечиш механизмларини амалга ошириш.

III. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

5. Ички назорат тизими қуйидаги ўзаро бир-бирига боғлиқ таркибий қисмларни ўз ичига олади:

назорат мухити – банк ходимларининг чуқур билими, бошқарув сиёсати, раҳбарият томонидан ваколат ва жавобгарликнинг тақсимланиш усули, ташкилотнинг тузилиши ва ходимларнинг малакасини ошириш, шунингдек Банк Кенгаши томонидан раҳбарлик ва бошқарув усуллариининг камраб олиниши;

таваккалчиликларни баҳолаш – идентификациялаш ва турли даражадаги бир-бири билан боғлиқ ички вазифаларга эришишда иштирок этувчи рисклар таҳлили;

назорат бўйича фаолият – тасдиқлаш, рухсат бериш, текширувларни ўтказиш, жорий фаолиятни назорат қилиш, активлар бутлиги ва ваколатлар тақсимланишини кафолатлаш каби фаолиятларни ҳамда раҳбарият кўрсатмаларининг ижро этилиши таъминланишини кафолатлашда ёрдам берувчи умумлаштирилган сиёсатлар ва тартиботлар мажмуаси;

ахборот билан таъминлаш ва ахборот алмашинуви фаолияти – бу маълумотларни ўз вақтида ва самарали аниқлаш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва ўзаро алмашиш, шунингдек самарали алоқа каналларини ташкил этиш орқали Банкнинг барча ички назорат субъектлари томонидан ички назорат бўйича сиёсат ва тартиботлар ижросини таъминлаш фаолиятidir. Банк маълумотларга рухсатсиз уланишни ҳимоя қилиш бўйича зарур чораларни кўради;

мониторинг – Банк фаолиятида ички назорат тизимининг ишлаши, камчиликларнинг аниқланиши, ишлаб чиқилган таклифлар ва қабул қилинган қарорлар бажарилишининг назорат қилиниши бўйича ички назорат тизимини баҳолаш мақсадида узлуксиз равишда олиб бориладиган кузатув жараёни. Ички назорат тизимини баҳолаш молиявий ҳисоботларнинг ишончилигига таъсир кўрсатувчи хатоларни аниқлаш ва ички назорат тизими олдида қўйилган вазифалар бажарилишини таъминлаш мақсадида амалга оширилади.

IV. ИЧКИ НАЗОРАТ УЧУН МАСЪУЛ ОРГАНЛАР ВА ШАХСЛАР

6. Ички назорат Банк Кенгаши, Тафтиш комиссияси, Банк Бошқаруви, Ички аудит хизмати, шунингдек банкнинг бошқа барча даражадаги ички назоратни амалга ошириш бўйича жавобгар ҳисобланадиган ходимлари томонидан ўз ваколати доирасида амалга оширилади.

7. Банк таркибий бўлинмаларининг фаолият вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари Банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари ҳамда таркибий бўлинмалар тўрисидаги низомлар билан белгиланади. Ушбу ҳужжатлар, шунингдек ички назорат масалаларига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатувчи бошқа ҳужжатлар мазкур Низомга зид бўлиши мумкин эмас.

8. Банкнинг молиявий-хўжалик фаолияти тизимли назорат қилинишини таъминлашда ички назоратни амалга ошириш Банкнинг ички аудит хизмати ва тафтиш комиссияси томонидан бошқа таркибий бўлинмалар билан ҳамкорликда амалга оширилади.

9. Ички назорат амалга оширилиши жараёнида Банк Кенгаши функцияларига қуйидагилар киради:

ички назорат тизимининг стратегияси ва маълум бир операцияларини тасдиқлаш ҳамда ривожланиш йўналишларини белгилаш;

Банк Бошқаруви, ички ва ташқи аудит, тафтиш комиссияси томонидан мунтазам равишда бериладиган маълумотлар ҳамда ўз кузатувларига асосланган ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилишида ички назорат тизимининг самарадорлиги ва ишончилигини баҳолаш ҳамда таҳлили натижалари тўғрисида ҳисобот бериш. Бунда ички назорат тизими фаолияти молиявий назорат, операцион

назорат, операцияларнинг қонунчиликка мувофиқлиги ҳамда ички меъёрий ҳужжатлар назорати жиҳатлари юзасидан баҳоланади;

ички назорат жараёнларини доимий такомиллаштириб бориш.

10. Банкда ички назорат тизимининг ишончлилиги ва самарадорлиги ҳамда молиявий ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги ва тўлиқлиги устидан назоратнинг ташкил этилиши бўйича жавобгарлик Банк Кенгашининг аудит қўмитаси зиммасига юклатилади.

11. Ички назорат фаолиятининг Банк Кенгаши томонидан тасдиқланган ички назорат соҳасига оид сиёсатларга мувофиқ бўлиши учун жавобгарлик Банк Бошқаруви зиммасига юклатилади. Банк Бошқаруви ички назорат тизими тартиботларини жорий этади ва унинг самарали ишлашини таъминлайди, шунингдек Банкдаги барча таваккалчиликлар, ички назорат тизимида мавжуд камчиликлар ҳамда уларни бартараф қилиш юзасидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар бўйича Кенгашни ўз вақтида хабардор қилади.

12. Банкнинг ҳар бир ходими (раҳбарларни ҳам ўз ичига олган ҳолда) ички назоратни амалга ошириш стратегияси ва тартибини ишлаб чиқишда ўз ваколати доирасида бевосита иштирок этади.

13. Банк ва унинг филиаллари томонидан амалга оширилган операцияларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Банк Уставига мувофиқлиги, бухгалтерия ва молиявий ҳисоботларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги ҳамда ички назорат жараёнларининг тўғри бажарилиши устидан доимий назорат қилиш бўйича жавобгарлик ички аудит хизмати зиммасига юклатилади.

Ички аудит хизматининг ўрни, мақсадлари, вазифалари ҳамда ваколатлари, молия-ҳўжалик фаолиятини баҳолаш учун ҳужжатлар ва материалларни ўз вақтида тақдим этмаслик юзасидан мансабдор шахслар ва ходимларнинг жавобгарлиги “Ўзсаноатқуришбанк АТБ нинг Ички аудит департаменти тўғрисида”ги Низомда белгиланади.

14. Қуйидаги шахслар ички аудит хизмати ходими лавозимларини эгаллаш ҳуқуқига эга эмас:

иқтисодий фаолият ёки ҳукуматга қарши жиноят содир этганлиги учун айбдор деб топилган, давлат хизматлари ва маҳаллий ҳокимият хизматлари манфаатларига қарши ёки молия, солиқ ва қимматли қоғозлар бозоридаги ҳуқуқбузарликлари учун маъмурий жазо қўлланилган;

Банк Бошқаруви аъзоси ҳисобланган;

Банк билан рақобатдош бўлган бошқа юридик шахсларнинг иштирокчилари, раҳбар ходимлари, Бошқарув аъзолари ёки ишчилари ҳисобланган.

Ички аудит хизмати таркибига кирувчи шахсларга нисбатан қўйиладиган бошқа талаблар Банк Кенгаши ёки Бошқарув Раиси (Банк Кенгаши билан келишилган ҳолда) томонидан ўрнатилиши мумкин.

15. Ички назорат тизимининг лозим даражада фаолият юритиши Банк ходимларининг касбий малакасига ҳам боғлиқдир. Шу сабабли, Банк ходимларни танлаш, ишга қабул қилиш, малакасини ошириш, қайта тайёрлаш ва уларнинг лавозимини ошириш орқали рағбатлантириш тизимини самарали амалга оширишга эътибор қаратиши лозим.

16. Ички назорат органи аъзоларига ҳақ тўлаш ва мукофотлаш Банк устави, Банкнинг “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ ходимларига иш ҳақи тўлаш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш ва бошқа тўловларни тўлаш тўғрисида”ги Низом ҳамда банкнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

V. ИЧКИ НАЗОРАТ ЖАРАЁНЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

17. Банк тизимида ички назорат жараёнлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

Банкни бошқаришда турли даражалардаги ўзаро алоқаларни, бир-бирини инкор этмайдиган мақсад ва вазифаларни аниқлаш;

Банк мақсадларига эришишга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган потенциал молиявий, оператив, стратегик ва бошқа рискларни аниқлаш ва тезкор таҳлил қилиш;

ички назоратнинг муҳим таркибий қисмларини баҳолаш;

бизнес юритиш жараёнларида ички назорат тизимининг самарадорлигини баҳолаш;

Банкнинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимларининг, шунингдек таркибий бўлинмаларнинг иш фаолияти самарадорлигини баҳолаш ҳамда мезонларини белгилаш;

молиявий ҳамда бошқа маълумотларни олдинги мос даврлардаги ва кутилаётган фаолият натижалари билан солиштириш;

ходисалар, операциялар ва битимлар ҳисобининг мос усулларида фойдаланиш;

активларни бутлигини текшириш;

ички назорат жараёнларини тегишли равишда ҳужжатлаштириш;

ички назорат тизими сифатини мунтазам баҳолаш;

Банкнинг ички назорат соҳасидаги барча ходимларига ўз мажбуриятларини етказиш;

Банк ходимлари ўртасида вазифалар тақсимои (шунингдек, операцияларни тасдиқлаш, ҳисобини юритиш, активлар бутлигини сақлаш ҳамда операцияларни текшириш ва таҳлил қилиш);

операцияларнинг фақат тегишли ваколатга эга шахслар томонидан тасдиқланиши ва амалга оширилиши;

ички назорат мақсадларига эришиш учун зарур бўлган бошқа усуллар.

18. Банкнинг ички назорат органининг Банк Кенгаши, акциядорлар умумий йиғилиши ва акциядорлар билан ўзаро ҳамкорлиги ушбу Низом асосида амалга оширилади.

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

19. Мазкур Низом, шунингдек унга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан оддий қўпчилик овози билан тасдиқланади ва шу кундан бошлаб кучга киради.

20. Ушбу Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар Банкнинг Корпоратив маслаҳатчиси, Кенгаш аъзолари, ички аудит хизмати, тафтиш комиссияси ҳамда Бошқарув Раисининг таклифларига асосан киритилади.

Бошқарув Раиси в.в.б.



Ж. Обиджонов